

**ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ**
4 ЖИЛД, 1 СОН,

**ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ**
ТОМ 4, НОМЕР 1

**JOURNAL OF
SOCIAL STUDIES**
VOLUME 4, ISSUE 1



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Сеитов Азамат Пулатович
доктор социологических наук
(Doctor of sociology DSc)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Сабирова Умида Фархадовна
кандидат социологических наук
(Candidate of sociology PhD)

Ижтимоий тадқиқотлар журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
International Editorial Board of the Journal of Social Studies
Международный редакционный совет журнала Социальные исследования

22.00.01–Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари.
Теория, методология и история социологии. Методы социологических исследований.
Theory, methodology and history of sociology. Methods of sociological research.

Бекмурадов Мансур Бобомурадович
доктор социологических наук, профессор
Каланов Комил Куллахматович
кандидат социологических наук, профессор
Убайдуллаева Раиса Турсуновна
доктор социологических наук, доцент

Щепилова Галина Германовна
доктор философских наук, профессор,
Московский государственный университет
им. М.В. Ломоносова (РФ)
Рожанский Михаил Яковлевич
директор центра независимых социологических
исследований (РФ)

22.00.02–Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи.
Социальные структуры, социальные институты и образ жизни.
Social structures, social institutions and way of life

Умаров Абсалом Адилевич
доктор социологических наук, профессор
Холбеков Абдуғани Жуманазарович
доктор социологических наук, профессор
Шайхисламов Рафазель Бадретдинович
доктор социологических наук, профессор,
Башкирский государственный университет
Сабиров Алишер Сабирович
кандидат социологических наук, доцент

Antonio Alonso Marcos
Ph.D, on International Relations (Испания)
Фадеева Любовь Александровна
доктор социологических наук, профессор
Пермский государственный национальный
исследовательский университет (РФ)
Виктор Агаджаньян
профессор социологии университета
Аризона США

22.00.03–Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси.
Социология социального сознания и социального процесса.
Sociology of social consciousness and social process

Ганиева Маърифат Хабибовна
доктор социологических наук, профессор
Аликариев Нуриддин Сапаркариевич
доктор экономических наук, профессор
Матибаев Тасполат Балтабаевич
доктор социологических наук, профессор
Stephan E. Nikolov
PhD, Senior Research Fellow,
Institute of Sociology, Sofia
Пармонов Фарход Ярашевич
кандидат социологических наук, доцент

Ли Ци
доктор исторических наук, профессор
Шэньсинского Педагогического Университета
(КНР).
Сухомлинова Марина Валерьяновна
доктор социологических наук, профессор
Мичуринского государственного аграрного
университета. (ФГБОУ ВО "МГАУ")
Бурнашев Рустам Ренатович
кандидат философских наук, профессор,
Казахстанско-немецкий университет

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1. Каланов Комил “МУҚАДДАСЛИК” КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ.....	4
2. Убайдуллаева Раиса СОЦИОЛОГИЯ В XXI ВЕКЕ: ПРОБЛЕМЫ И ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ.....	17
3. Сейтов Азамат, Сабирова Умида СОЦИАЛИЗАЦИЯ СЕМЕЙ В СОВРЕМЕННЫЙ ПЕРИОД РАЗВИТИЯ МАХАЛЛЕЙ УЗБЕКИСТАНА.....	27
4. Аликариева Аълохон СОЦИАЛЬНЫЕ ФАКТОРЫ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ПОДГОТОВКИ КАДРОВ ВЫСШЕЙ КВАЛИФИКАЦИИ.....	35
5. Каримов Бобир МЕҲР – МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ.....	47
6. Мадаминов Баходир ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИДА ОММАВИЙ СПОРТНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ.....	55
7. Имомова Нозимахон ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЧИ КУЧИ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖАРАЁНЛАРИ.....	63
8. Мирзахмедов Хуршид ЁШЛАР ҲАЁТИДА НИЗОЛАРНИНГ СОЦИАЛ ОҚИБАТЛАРИ.....	73
9. Узакова Зарина ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ТРАНСФОРМАЦИИ ТЕРМИНА ИНВАЛИДНОСТЬ И МОЛОДЕЖНОГО ВОЗРАСТА.....	81
10. Эрийгитова Лобар А.ҚОДИРИЙ АСАРЛАРИДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ ВА ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИ ТАЛҚИНИ (“ЎТКАН КУНЛАР” АСАРИ МИСОЛИДА).....	89
11. Мўминов Зокиржон ТАЪЛИМНИНГ ИЖТИМОИЙ АСОСИ ҲАМДА УНИНГ СОЦИОЛОГИК ВА ПЕДАГОГИК ТУЗИЛМАСИ.....	99
12. Амиров Азамат ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАҲЛАРДА “ТАРИХ ФАЛСАФАСИ”ГА БЎЛГАН УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАР.....	108

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Мўминов Зокиржон,
Наманган давлат университети
катта ўқитувчиси
e-mail: zokirjon55@mail.ru

ТАЪЛИМНИНГ ИЖТИМОЙ АСОСИ ҲАМДА УНИНГ СОЦИОЛОГИК ВА ПЕДАГОГИК ТУЗИЛМАСИ

For citation: Zakirjan Muminov, The social basis of education and its socio-pedagogical structure. Journal of Social Studies. 2021, vol. 4, issue 1, pp. 99-107

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-1-11>

АННОТАЦИЯ

Муаллиф мақолада бугунги куннинг энг долзарб бўлган соҳаси, таълим тизими ва унинг сифатини ташкил этувчи жиҳатларни комплекс илмий ёндашувлар, яъни социологик ва педагогик қиёслаш асосида таҳлил этади. Ҳаёт ҳеч қачон соғлом таълим тизимисиз ривожлана олмайди. Таълим ўқувчига жамиятнинг фойдали аъзоси бўлиш имкониятини яратиши керак. Демак, бунда ўқитувчининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга ва ўқитувчи жамият яратувчисидир. “Таълим социологияси” – бу хулқ-атвор илмининг бир соҳаси, таълимнинг ижтимоий жиҳатлари билан шуғулланади. Жамият таълим жараёнини осонлаштиради. Бу жамият учун ҳар хил турдаги расмий, норасмий таълим учун ўқув муассасаларининг пайдо бўлишига ҳисса қўшади. Инсон учун таълим олиш ижтимоий заруратдир. Бунда, инсон томонидан ижтимоий муносабатлар, ижтимоий жараёнлар ва ижтимоий меъёрларни ўрганиш муҳимдир. Шу сабабли, таълим социологияси фанининг аҳамияти катта бўлади.

Калит сўзлар: социология; таълим, жамият, шахс, инсон, талаба, ижтимоий.

Муминов Зокиржон,
старший преподаватель
Наманганского государственного университета
e-mail: zokirjon55@mail.ru

СОЦИАЛЬНАЯ ОСНОВА ОБРАЗОВАНИЯ И ЕГО СОЦИОЛОГО- ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ СТРУКТУРА

АННОТАЦИЯ

В статье автор анализирует наиболее актуальную на сегодняшний день отрасль, систему образования и аспекты, составляющие ее качество, на основе комплексных научных подходов, то есть социологической и педагогической компаративистики. Жизнь никогда не может развиваться без здоровой системы образования. Образование должно дать учащемуся возможность стать полезным членом общества. Следовательно, в этом особое значение имеет

роль учителя, а учитель-созидатель общества. "Социология образования" - это раздел поведенческой науки, который занимается социальными аспектами образования. Общество облегчает процесс обучения. Это способствует появлению учебных заведений формального, неформального образования различных типов для общества. Получение образования для человека является социальной необходимостью. В этом важное значение имеет изучение человеком общественных отношений, социальных процессов и социальных норм. Поэтому значение науки социологии образования становится значимым.

Ключевые слова: социология; образование, общество, личность, человек, студент, социальный.

Zakirjan Muminov,
Senior lecturer
Namangan State University
e-mail: zokirjon55@mail.ru

THE SOCIAL BASIS OF EDUCATION AND ITS SOCIO-PEDAGOGICAL STRUCTURE

ANNOTATION

The author analyzes in the article on the basis of scientific approaches, that is, sociological and pedagogical comparison of the spheres, the educational system and the aspects that make up its quality, which are the most relevant today. Life can never develop without a healthy education system. Education should give the student the opportunity to become a useful member of society. So the role of the teacher in this is of particular importance, and the teacher is the creator of society. "Educational sociology" is a branch of behavioral science, which deals with the social aspects of Education. Society facilitates the educational process. This contributes to the emergence of educational institutions for formal, informal education of various types for society. Education for a person is a social necessity. In this, it is important to study social relations, social processes and social norms by man. Therefore, the science of educational sociology will be of great importance.

Keywords: sociology; education, society, personality, human, student, social.

*Юксак салоҳиятли ёшлар буюк
келажакимиз кафолати.*

Ш.Мирзиёев

Инсон жамиятда дунёга келади, жамият эса унинг шахсини ривожлантириши лозим. Ижтимоий муҳитда шахс унга таъсир этувчи кучлар билан ўзаро муносабатга киришади. Ҳар бир инсон ўз-ўзидан кўп нарса ўрганиши мушкул. Инсон жамиятда яшайди, оила, қариндошлари дўстлари билан алоқа орқали ижтимоийлашувга эришади ва асосий алоқаларни ўзаро муносабат орқали ўрганади. Ўзбекистон Республикаси ўтган қарийб 30 йил мобайнида трансформациялашув, яъни ўтиш давридан модернизациялашув, аниқроғи жамиятни техник ва ахборот технологик ривожлантириш босқичи сари қадам қўйди. XX асрнинг интиҳоси ижтимоий ҳаётда янги типдаги ахборот маконининг пайдо бўлиши билан яқунланди ва XXI асрда эса компьютер технологияларининг юқори суръатдаги тараққиёти туфайли инсоният тафаккурида янада сермазмун аҳамият касб эта бошлади. Аниқроқ айтиладиган бўлса, мазкур макон рақамли телекоммуникацион технологиялар ёрдамида такомиллаштирилди. Унинг истеъмолчилар томонидан ўзлаштирилиши жамиятга телефон, кабель телевидениеси, замонавий автомобиллар ва янги даврнинг бошқа техник янгиликлари ўзлаштирилишидан кўра тезроқ ва самаралироқ кечмоқда.

Инсон муаммосининг долзарблиги нафақат унинг анъанавийлигига, балки, жамият тараққиётининг, хозирги, ўзига хос, мураккаб босқичидаги муҳим ўзгаришларга ҳам боғлиқдир.

Бу қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, тоталитар тузумнинг емирилиши, собиқ иттифоқ худудида мустақил давлатларнинг пайдо бўлганлиги, эски ижтимоий муносабатлар ўрнига, улардан тубдан фарқ қилувчи, янги муносабатларнинг қарор топаётганлиги одамларнинг мураккаб шароитларга мослашишини талаб қилмоқда;

иккинчидан, фан-техника тараққиётининг ҳозирги даражаси, қўл меҳнатини камайтириш билан бирга, инсонларда ақлий ва асабий зўриқишни кучайтирмоқда. Бу эса автоматлашув билан ижодиёт ўртасидаги зиддиятни бартараф этиш, инсонга технократик ёндашишнинг салбий оқибатлари олдини олишни талаб қилади. Айниқса, фан ва техниканинг информатика, генетика ва ген инженерияси каби янги тармоқлари қуйидаги мураккаб фалсафий, ахлоқий муаммоларни келтириб чиқарди: инсон интеллекти ва “фикрловчи машиналар”нинг келажаги қандай? Информатика инсон ақлий салоҳиятига ва инсониятга қандай таъсир кўрсатади? Инсонга нисбатан ген инженериясини қўллашнинг қандай ахлоқий мезонлари мавжуд?;

учинчидан, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар янги, ўта мураккаб босқичга кўтарилди. Экологик муаммо инсон ҳаётига бевосита таҳдид солувчи хавф бўлиб қолди. Атроф-муҳитни, табиатни сақлаш, инсон мавжудлигининг зарурий шартига айланди;

тўртинчидан, ижтимоий муҳитнинг инсон ички дунёсига таъсирида ҳам, ечимини кечиктириб бўлмайдиган, муаммолар тўпланиб қолди. Ёшларнинг салбий таъсирларга берилувчанлиги, улар эътиқоди ва маънавиятини шакллантиришдаги мафкуравий бўшлиқни бартараф этиш масалалари инсонга, ҳар хил “изм”лардан холи, объектив ёндашишни талаб қилмоқда;

бешинчидан, ер юзида вазият ва кучлар нисбати шиддат билан ўзгариб бораётган бир вақтда, инсон ҳаётига, қолаверса, бутун цивилизацияга таҳдид солувчи термоядро уруши хавфи кучайиб бормоқда. Кескинлашиб бораётган минтақавий низолар, кўпинча, терроризм ва зўравонлик, наркобизнес ва қурол-ярқ билан қонунсиз савдо қилиш, инсон ҳуқуқларининг оммавий суръатда паймол этиш каби таҳдидларнинг доимий манбаига айланиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, нафақат термоядро уруши хавфини бартараф этиш, балки, халқаро муносабатларда инсонпарварлик руҳи ўрнатилишини таъминлаш ва цивилизациянинг, жамики, ютуқларини ҳар бир инсон камолоти учун хизмат қилдира олишни талаб қилмоқда.

Кўриб турганимиздек, инсоншунослик назарияси, ўзининг кўлами жиҳатидан, жуда кенг доирадаги масалаларни ҳал қилишга қаратилган. Албатта, агарда, мазкур назария, бир бутун тизим сифатида, ўзига юклатилган шундай кенг қамровли масалалар доирасини ҳал қилиш вазифасини уддалай олса, нур устига аъло нур бўлади. Лекин, инсон ҳақидаги тўпланган табиий-илмий ҳамда ижтимоий билимларни махсус ва умумилмий услублар асосида умумлаштириш томон қилинган бундай ҳаракатлар бир бутун билимлар тизимини эмас, аксинча, муҳим ва муҳим бўлмаган жиҳатларга оид, тартибсиз тасаввурларни яратди. Демак, махсус табиий ёки ижтимоий фанларда тўпланган инсон ҳақидаги билимларнинг ўзи, қолаверса, уларнинг мажмуаси ҳам инсон ҳақида, унинг бир бутун объект сифатидаги етарли тасаввур бера олмайди.

Дарҳақиқат, инсон турли ташкил этувчи элементларнинг оддий мажмуаси эмас, балки, янги сифат даражасини ифодаловчи, муайян барқарорликка эга ва доимо ривожланишда бўлган, бир бутун тизимдир. Шунинг учун ҳам, инсоннинг алоҳида жиҳатларини, муайян фан доирасида ўрганиш унинг бир бутун тизим сифатидаги моҳиятини тўлалигича очиб бера олмайди. Рус психолог олими А.Н.Леонтьевнинг таъкидлашича, шахснинг умумпсихологик концептуал образини яратиш учун, унинг турли хил физиологик, морфологик ёки шу каби бошқа хусусий жиҳатлари ҳақидаги, эмпирик билимлар мажмуасининг ўзи етарли эмас, аксинча, мазкур дифференциал ёндашишнинг ўзи ҳам фақат шахснинг умумпсихологик назарияси асосидагина амалга ошиши мумкин [1].

Техноэлектроник тараққиёт XXI асрнинг биринчи ўн йиллигини ўзидаёқ жамият трансформациялашуви ядросини ижтимоий тараққиёт қобиғида бир неча қарра тезлигини ошириб юборди. Мисол учун, XX аср тадқиқотчисининг ўз илмий иши учун зарур бўлган илмий адабиёт ёки манбани қидириб топиши учун кунлаб, ҳафталаб, ойлаб ва ҳатто йиллаб

вақт сарфлагани сир эмас. Бугун эса, ҳафсала қилинса, ИНТЕРНЕТ тармоғидаги сайтлардан бирида ўзингизга керакли исталган ахборотни маълум бир дақиқалар ичида қўлга киритишингиз мумкин. Фарқ шундаки, ўтган аср вақт меъзони бўйича узоқ вақт мобайнида тўпланган, аммо бугунги кун билан таққослаганда, у қадар кўп бўлмаган маълумотларни бир тизимга солиб, қатъий белгиланган вақтда ишни якунига етказиш мумкин эди. Аммо, ахборотлар жамияти кишиси меъёридан ортиқ манбалар базасини қўлга киритгач, ноаниқликларга дуч келмоқда. Коммуникацион технологияларнинг сўнгги йилларда тез-тез ўзгариб турадиган энг сўнгги авлодларига ҳар доим “ташна” бўлиб яшайдиган социал қатлам – ЁШЛАР эканлигини инобатга оладиган бўлсак, ҳар бир коммуникацион авлод ўзгариши уларнинг тафаккур ва турмуш тарзида янгидан-янги ноаниқликларни келтириб чиқараверади [2, – Б.174].

Ўзбекистоннинг глобал дунёга тизимли равишда трансформациялашиб бориши, биринчи навбатда, мамлакат ёшлари ва уларнинг ижтимоийлашуви билан ҳам аҳамият касб этади. Замонавий ёшларнинг социал муҳит шарт-шароитларига ижтимоийлашувидаги хусусиятлар трансформациялашган жамият ва унинг оқибатида вужудга келган субъектив вазиятларга боғлиқ бўлиб қолади. Бу жараёнда ёшларнинг ўз олдиларига қўйган вазифалар, шарт-шароитга мослашув ва истиқболдаги эришилиши кўзланган мақсадлар социологик нуқтаи назардан илмий таҳлил ва прогноз қилиниши лозим. Инкор этишнинг ҳолати йўқ, ёшлар мавзуси бир қатор ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида жиддий таҳлил қилинган. Шундай бўлсада, мавжуд ахборотлашган жамият замонавий ёшлар олдида турли хил муаммоларни келтириб чиқармоқда. Айниқса, интернет тармоғи имкониятларидан ҳамма вақт ҳам унумли фойдалана олмаслик, баъзи ҳолатларда мавжуд ахборот оқимида нисбатан мафкуравий иммунитет кўникмасининг етишмаслиги уларнинг технологик трансформациялашган жамиятга ижтимоийлашуви қийин кечаётганидан далолат беради.

Бизнинг назаримизда, анъанавийликдаги мураккаб қадриятлар 20 ёшдан кейин социал ҳаётда бирданига мураккаблашиб кетади. Улар ижтимоийлашувидаги ноаниқликларнинг негизидаги устуворлик жамият-шахс тизимидан аста-секинлик билан жамият-авлод тизимига қараб ўзгариб боради. Ёш катталашиб, улуғлашиб боргани сари аксарият кишиларда баланс тўлиқ жамият-авлод тизимига ўтиб бўлади. Бу эса, ўз навбатида, бошқа тармоқлар, жумладан, фан ва таълим соҳасида ҳам юқори суръатдаги профессионализмнинг шаклланишига жиддий таъсир қилади.

Инглиз социолог-тадқиқотчиси З.Бауман замонавий жамиятда ёшларнинг ҳаёт йўлларидаги ўзгаришларга сабаб бўлувчи ноаниқликларни постмодерн тамойили билан боғлайди. Унга кўра:

- маданиятдаги плюрализм (ранго-ранглик) бир вақтни ўзида қўплаб жабҳалар, хусусан, қадриятлар, мафкура, ҳаёт шакли, турмуш тарзи ва шу кабиларни қамраб олади;
- доимий вужудга келадиган ўзгаришлар;
- оммавий ахборот воситалари ва уларнинг махсулотларини етакчилик қилиши;
- мавжуд воқеъликдаги асосий омилларни қамраб ололмастик оқибатида, рамзий белгиларга эҳтиёж сезиш [3, – Б.23].

Ҳаётнинг юқори суръатда тезлашиб кетиши ёшлар турмуш тарзида социал ноаниқликларнинг кўпайишига ва унинг натижасида уларнинг ўзларини хавфга қўйишлари кучайиб бормоқда. Социологлар “ноаниқлик” тушунчасини куйидагича изоҳлайдилар: “тизимли ёндашув (Т.Парсонс назарияси) дан келиб чиқиб, ноаниқлик социал тизимда вужудга келадиган ўзаро фаолият элементларидаги муносабатларни акс эттиради” [4, – Б.26-27]. Ноаниқликни англаш учун аниқлик эментини В.Готт ва А.Урсуллар аниқлик таснифи билан қиёслайдилар: “Агар аниқлик ҳолати шахслар (ёшлар) орасида бир-бирига нисбатан мустақил, кескин фарқ қилувчи социал, руҳий чегаралар билан ажралиб турса, ноаниқлик мавжуд объект ёки ҳодиса жараёнларида қарамлилик, бўйсунушлик кузатилади” [5, – Б.56].

Социолог шахснинг, хусусан ёшларнинг жамиятга мослашув жараёнини ижтимоийлашув жараёнлари билан ўрганади. Табиийки, ижтимоийлашув вояга етиб келаётган ҳар қандай индивидда ижобий ёки салбий хусусиятларни бир вақтда ўзлаштириб бораверади.

Бунда, шахсга таъсир кўрсатувчи объект (социал гуруҳ, жамият, социал институтлар, биомухит ва ш.к.) нинг ўрнини тадқиқ қилиш муҳим ҳисобланади. Россиялик тадқиқотчи Н.К.Жамсуева ўз илмий ишида ёшлардаги ижтимоийлашув жараёнларини қуйидаги жиҳатлар билан боғлайди:

- адаптация (нафақат ташқи муҳит жараёнларига, балки инсоннинг ички руҳий дунёсини шакллантирувчи фаол ва нофаол кечинмаларга мослашиш);
- ҳис қилиш (жамиятдаги мавжуд билимлар тизимини ўзлаштиришда, уни объектив фаолиятнинг инъикоси сифатида қараш);
- тақлид қилиш (Г.Тардга кўра тақлиднинг психологик механизмлари онгли ва онгсизлик кўриниши сифатида индивиднинг ҳулқ-атворини белгилаб беради);
- ўзаро фаолият орқали (индивид ва жамият ўртасидаги муносабатлар ижтимоийлашув объектининг коммуникатив жиҳати ҳисобланади);
- таъсир ўтказиш (жамият ва референт гуруҳларнинг мақсадга йўналтирилган таъсир ўтказиши натижасида онгсизлик ҳолатида қадриятли ва меъёрий установкаларни ўзлаштириш);
- фасилизация (ҳулқ-атворни юмшатиш, бунда референт гуруҳлар индивидга маълум даражада эркинлик бериб, унга ижодий ёндашиш асосида ўз тажрибасини намоён қилиш имконини беради);
- ингибиция (ҳаракатнинг пасайиши, индивиднинг ҳаётий тажрибада ўзи тўплаган социал тажрибаси асосида шаклланган ҳулқ-атворига атрофдагиларнинг тўсқинлик қилиши);
- эмпатия (индивиднинг ўзини бошқалар ўрнига қўйиш қобилияти ёки шунга тайёрлик, воқеъликка ўзга киши кўзи билан қарашга ҳаракат қилиш);
- эспектация (индивидларнинг ўз фаолиятларини бошқа кишилар кутган реалликлар билан олиб бориши);
- идентификация (шахснинг ўзини бошқаларда мавжуд белгилар билан ҳис қилиш, англаш жараёни) [6, – Б.23-24].

Бугунги кунда социомаданий муҳит жиддий ўзгаришга учраган. Бу нафақат қадриятлар тизимининг ўзгарганлиги, балки янги типдаги ахборот-коммуникатив макон – Интернетнинг пайдо бўлганлиги ҳисобига содир бўлди. Интернет истеъмолчиларининг ёши бўйича гуруҳларининг фоиз ҳисобида мувофиқлашуви социологларни янги фактор – Интернет таъсирида ижтимоийлашув натижаларининг турғунлиги ва ўзгарувчанлиги диалектикаси масаласига эътибор қаратишга мажбур этмоқда.

Индивидуал ҳеч қандай шерикларсиз ва жамиятсиз у ёлғиз қолади, шунда унинг таълим олиши амалга ошмайди, шунинг учун инсон таълим олишида бошқа одамларнинг мавжудлиги жамиятда жуда зарурдир. Таълим ва жамият бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини ривожланишига асос бўлади.

Таълим социологияси – социологиянинг бир қисмидир ва у социологик нуқтаи назардан таълимнинг маъносини тушунтиришга ҳаракат қилади.

Социологияни инсон ва унинг атроф-муҳитини бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги бўйича ўрганиш, деб белгилаш мумкин.

1837 йилда француз файласуфи Огюст Конт (Исидор Мари Огюст Франсуа Ксавье Конт (1798-1857) социология фани асосчиси) қуйидагича: социология – бу жамият ва муносабатларни ўрганишда илмий ёндашувдан фойдаланишни ўз ичига оладиган алоҳида фан, деб тариф берган.

Француз социологи Давид Эмиль Дюркгейм (1858-1917 йй): социология фанини – жамоавий вакиллик илми сифатида тушунтиради.

Юқоридан айтишимиз мумкинки, социология инсон муносабатлари билан боғлиқ, шунингучун социологияни аниқ бир тарзда шахс ва жамиятни бир-бири билан ўзаро ва ўқув жараёнида ўзаро муносабатда тизимли ўрганиш сифатида аниқлаш мумкин. Бу ижтимоий муносабатларни ўрганишдир. У одамларнинг жамоалардаги ҳаракатларини, ижтимоий тузилишини ва ижтимоий ҳодисаларни ўрганади.

Таълим социологияси социологиянинг янги соҳасидир. Бу фан таълим ва жамият ўртасидаги муносабатларни ўрганади ҳамда таълим ва жамият ўртасидаги муносабатлар муаммолари билан шуғулланади.

Таълим ва социологиянинг ўзаро боғлиқлиги асосида яратилган фан “Таълим социологияси” деб номланади. Таълим социологияси таълим назарияси ва амалиётида қўлланиладиган ижтимоий тамойилларни ўрганиш демакдир. Бу фан ижтимоий тамойилларни бутун таълим жараёнида қўллайдиган янги фан.

Таълим социологияси боланинг шахс сифатида ривожланишига ёрдам беради ҳамда унинг жамиятда ижтимоий мавқеини яхшилайдиган умумий-таълимий ўзаро таъсирдан фойдаланадиган фандир.

Ушбу фан умумий ўрта таълим орқали жамият тараққиётини таъминлайди. “Таълим социологияси”, шунингдек, жамият ва таълим билан боғлиқ муаммолар учун мос ечимни топишга ҳаракат қилади. Бу фан турли хил таълим институтларига ва ўқув жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий муносабатларга таъсир қилади.

“Таълим социологияси” таълим ва социология ўртасидаги муносабатларни ўрганиш сифатида белгиланиши мумкин.

Таълим мазмуни ва моҳияти жамиятнинг моддий ва маданий тараққиёти даражаси билан белгиланади. Ижтимоий муносабатлар, умумий маълумотга бўлган эҳтиёж, кишиларнинг касбий тайёргарлигига, таълим ҳақидаги педагогик ғояларга қараб кишилик жамияти тараққиётининг турли босқичларида таълимнинг моҳияти, усули, ташкилий шакллари билан ўзгариб боради.

Жорж Пейн: “Таълим социологияси” – бу шахсга тажриба берадиган ва жамиятни ташкил қиладиган ижтимоий муносабатлар жараёнларини тавсифлайдиган ва муҳокама қиладиган фан, деб таърифлайди [7].

Юқоридаги таъриф бизга “Таълим социологияси” нинг хусусиятлари ҳақида маълумот беради.

“Таълим социологияси” шахсни ва ижтимоий муҳитни ривожлантириш нафақат таълим ёки социология ҳақида фикр юритади, балки иккаласининг ўзаро реакциялари ва ўзаро таъсирини ҳам ҳисобга олади. “Таълим социологияси” жамият асосидаги таълимни яратади.

“Таълим социологияси” маълум табиат ёки муайян давр билан чегараланмайди. “Таълим социологияси” нафақат назарий янгилик, нафақат инсон ва жамият ёки гуруҳнинг ўзаро таъсир кучларини ўрганибгина қолмай, балки амалий жиҳатдан ўзаро таъсир қилувчи кучларни ўрганишдан ташқари ўзаро таъсир қилувчи кучларни тартибга солишга ва бошқаришга ҳаракат қилади.

“Таълим социологияси” нинг аҳамияти шахсни ривожлантиришга ва шу орқали янада яхши ижтимоий назоратга эришиш учун таълим жараёнини бошқариш усулларини топишдир. Бу жамият барқарорлигини сақлаш ва унга ёрдам берадиган нарсаларни ҳимоя қилиш учун жамиятда узлуксизлик бўлиши учун баъзи қоидаларни яратади, жумладан:

- ишлаш ва тартибни ўрнатиш;

- урф-одатларнинг қадриятлари ва урф-одатларини сақлаш.

“Таълим социологияси” шахс ва унинг маданий муҳитининг доимий ва динамик ўзаро таъсирининг предмети бўлиб, у болани ижтимоий вазият нуқтаи назаридан тушунишга имкон беради. “Таълим социологияси” ўқитувчини келажакдаги вазифаларига тайёрлаш учун мўлжалланган фан сифатида ривожланиши.

Ўқитувчининг ўқув фаолиятини режалаштиришда ва ушбу режаларни амалга оширишнинг самарали усулларини ишлаб чиқишда социологик тадқиқотлар натижалари асосида давлат ва нодавлат таълим муассасаларига нисбатан маданий, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тенденцияларни тушунишга амалий ёрдам беради.

“Таълим социологияси” ҳар бир ўқувчи (талаба) ни муносиб тарзда ижтимоийлаштирадиган ўқув дастурини ишлаб чиқишга қаратилган, жумладан:

- боланинг шахсини ривожлантиришга энг яхши ҳисса қўшадиган фаолиятни аниқлашга ҳаракат қилади;

- ҳар бир боланинг алоҳида ривожланишига эришиш учун ўқув жараёни назорат қилади.

“Таълим социологияси” турли хил ижтимоий муносабатларни ва уларнинг шахс ривожланишига таъсирини ўрганади. Шундай қилиб, “Таълим социологияси” нинг табиати ҳам назарий, ҳам амалийдир. Бу одамларнинг жамиятда қандай яшашини илмий тадқиқ қилиш, айниқса, ижтимоий жамоада яшаш орқали олинган таълим ва инсоннинг ижтимоий жамоада самарали ҳаёт кечириши учун зарур бўлган таълимни ўрганишдир.

Социология ва таълим, асосан, инсон ва унинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган икки билим соҳасидир. Социология ва таълим ўртасидаги муносабатлар ҳар доим баҳс-мунозараси бўлиб келган. Таълим ва социология ўзаро боғлиқ фанлардир. Барча жамиятлар ўз эҳтиёжини қондириш учун ўз усуллари ва воситаларига эга. Бу жараён эҳтиёжлар учун самарали восита сифатида қолмоқда. Таълим нафақат ўтмишдаги маданий меросни етказди, балки бизнинг турмуш тарзимизни қайта тиклашга ёрдам беради. Бу соғлиқ, бўш вақт, касб-хунар ва оилавий ҳаёт соҳаларида янги ижтимоий одатларни шакллантиришга ёрдам бериши мумкин.

Ҳозирги замонда юзага келган вазиятдан келиб чиқадиган бўлсак, бугунги дунёни интеграциялашув ва дезинтеграциялашув жараёнларининг ўзаро қураши сифатида тасаввур қилиш мумкин. Бир томондан, кенг ва хилма-хил социал алоқаларнинг (хўжалик, сиёсий, маданий ва ҳ.к. соҳаларда) ривожланиши ва интенсивлашиши, янги фаолият турлари ва коммуникацияларнинг юзага келиши долзарб аҳамият касб этмоқда. Инсоният дунёси эса, бир бутунлик ва бирлик хусусиятларига эга бўлиб бормоқда. Универсал инсоний эҳтиёжлар ва унда ҳаёт кечиришни таъминлаш муаммолари, инсонлар тарихий тақдири ва хавфсизлигининг умумийлигини англаб етиш учун тобора имкониятларни орттирмоқда. Бу интеграцион ёки марказга интилувчи жараён бўлиб, унинг кечишида замонавий инсон турмуш тарзи дунёси глобал тус олмоқда. Иккинчи томондан эса, миллий ва индивидуал ўз-ўзини англаш, миллатларнинг озод бўлиш жараёнларининг ўсиб бориши таъсирида алоҳида социумларнинг майдаланиши ва бўлиниб кетиши ҳамда ижтимоий ҳаёт субъектларининг ажралиши кузатилмоқда [8, –Б.143]. Бу эса, дунёвий жараёнларнинг дезинтеграцион, марказдан қочувчи таркибий қисмига айланди. Инсоният дунёсида у социал танглик ва тўқнашувларнинг турли кўринишларида намоён бўладиган бўлди.

Тарихий кечмишда биз томонимиздан таъкидланаётган ҳодисаларни ва айтиб ўтилган ҳар бир жараённинг чегараларини илғаш мумкин. Инсоният ҳаёти интеграцион, марказга интилувчи жараёнлар билан ҳам, дезинтеграцион, марказдан қочувчи жараёнлар билан ҳам бирдек боғлиқ. Инсоният эса бу жараёнларни ростлаб туришга эҳтиёж сезади ва мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, унга амал қилишга унга амал қилишга мажбур. Бу жараёнларнинг сабаблари ижтимоий ҳаётда қисм ва бутуннинг муттасил қарама-қаршиликда бўлиши, турли хилдаги субъективликларнинг ўз бутуни билан ўзаро алоқада бўлишидир. У ёки бу социумнинг интеграциялашуви ёки дезинтеграциялашуви моҳият эътибори билан умуминсоний тус касб этади, бу жараёнларнинг ишлаб чиқилиши ва қайта ишлаб чиқилиши бутунжаҳон тарихининг ривожини ҳамда воқеликнинг трансформациясини белгилайди [9, – Б.96-125].

“Таълим социологияси” мавжуд ислохотларни кузатиб борар экан, анъанавий таълим билан замонавий таълим ўртасида ўқитиладиган фанларга нисбатан муносабат қайсидир маънода ўзгарганини маълум қилади. Масалан, анъанавий таълимда асосий урғу психологик педагогикага қаратилган бўлса, замонавий таълимда унинг ўрнини социал педагогика аста-секин эгаллаб келмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида, дунёда кечаётган глобаллашув ва интеграциялашувни, ҳамда ахборт технологияларининг тараққий этиб боришини мисол қилиб кўрсатилмоқда. Анъанавий таълимда бошқарув жараёнлари шахс ва ижтимоий гуруҳларга йўналтирилган бўлса, замонавий таълим бевосита улкан маконни қамраб олишга қаратилган. Бу билан психологияни ролини инкор этиш керак эмас, у ҳар қандай ҳолатда ҳам бугунги куннинг энг муҳим соҳаси сифатида қолади. Аммо, шу нарса маълумки, тараққиёт жуда катта ҳудудларда бир вақтнинг ўзида тез суръатларда амалга ошаётган экан, унинг фаолиятини белгилаб берувчи таълим ҳам шу суръатда юқори мавқега

кўтарилади. Шунинг учун ҳам, бошқарув жараёнларига таъсир ўтказишда кўплаб мутахассислар қатори биз ҳам социал педагогикага алоҳида эътибор қаратишни социолог нуктаи назаридан таклиф этамиз.

Бугунги инсоният дунёсининг ҳолати ҳамда унинг ўз бутунлиги сари бўладиган объектив-тарихий ҳаракатга жавобан дезинтеграция жараёнларининг кучлари глобал ҳалокатлар келтириши ҳамда унинг ҳаётини буткул тугатиб юбориш хавфини солади. Бу жараёнларнинг моҳияти ва реал хавфини англаб етиш ижтимоий ҳаёт иштирокчиларининг кўпини дезинтеграция оқибатларини бартараф этишда ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга даъват этади.

Инсоният дунёсининг иштирокчилари ва яратувчилари – субъектлардир. Улар ўз бутунлигига нисбатан субъективликни ишга солади. Бу кишиларнинг табиатга ва ўзларига ўхшаш субъектларга турли кўринишларда шаклланган усул ва воситалар билан таъсир этишида намоён бўлади. Субъективликнинг предметли шакли маданиятни ҳосил қилади [10, –Б.33]. Бу таърифда маданият у ёки бу кишилик ҳамжамияти учун ҳаётий зарур бўлган ўзаро муносабатларни ўзининг ҳаёт кечириш шароитида предметли шаклда “олиб ўтиш” ва “мустаҳкамлаш” тартиби ва натижасини билдиради. Ушбу предметли шакллар инсон қобилиятининг ҳолатини маълум даража қайд этади ва сақлайди. У ёки бу предметли шаклларнинг, яъни, предметлашган инсон қобилиятининг талабгорлиги аниқ ҳамжамият ёки индивиднинг ҳаётий манфаат ва мақсадларига боғлиқ бўлади.

Моҳият эътибори билан предметли (ёки предметлашган) шакллар идеал ҳосилалардир. Уларда нафақат аниқ инсоний хатти-ҳаракат ва натижаларни, балки ушбу хатти-ҳаракатлар ва натижалардан ажратиб олинган бошқа бирон ҳолатга “кўчиб ўтиш” амалга оширилади. Айнан мана шу, хатти-ҳаракатлар ва натижаларнинг қийматларини предметли шакллар ёрдамида “мустаҳкамлаш” содир бўлади. Ўз қиймати туфайли предметли шакллар инсон онгининг ривожига иштирок этади [11, – Б.408].

Тарихдан хулоса қилиб, қайта қуриш ва мослаштириш амалга оширилади. Аммо, илмий ишланмалар, саноатлаштириш ва технологик ўзгаришлар шаҳар ва қишлоқ турмуш тарзига ўз таъсирини ўтказади.

Таълим ва социологиянинг ўзаро боғлиқлигини қуйидаги фикрлар орқали аниқлаш мумкин:

- социология – бу ҳар қандай ижтимоий тизимнинг яширин томонидаги жамият ва таълим ҳақидаги фан.
- социология ижтимоий тизимнинг тузилиши ва функцияларини ўрганади, шу билан бирга таълим ҳар қандай ижтимоий тизимнинг муҳим функцияларидан биридир.
- социологиянинг асосий муаммоси ижтимоийлаштирилган шахслардир. Таълим социологиянинг мақсадларига эришиш воситасидир.

Юқоридагилардан хулоса қилишимиз мумкинки, социология фани таълим тизимининг функцияларини аниқлашга ҳаракат қилади, таълим эса унинг фаолиятини яхшилаш учун социологик тамойилларини қабул қилади. Ҳозирги жамиятда социология ижтимоий ҳаёт мақсадини амалга ошириш учун таълим тизимидан фойдаланадиган маълумотлар базасини яратади.

Социология таълим тизимида уни такомиллаштириш учун қабул қилинган қонун ва принципларни ишлаб чиқади. Таълим социологияга тегишли ижтимоий ва маданий меросни сақлаб қолади. Жамият таълимнинг тузилишини белгиловчи асосий омил бўлиб, унинг ижтимоий-маданий эҳтиёжлари қондирилиши ва ўсишда давом этиши мумкин.

“Таълим социологияси” ўқув дастури ижтимоий мақсадларга эришишда ёрдам берадиган тарзда тузиш ҳамда жамият ва миллатнинг ижтимоий тараққиёти таълимдаги ўқув дастурларига боғлиқ. Демак, ўқув дастурини пухта ва тўғри ташкил этиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Айниқса, муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидаги қуйидаги сўзларга эътибор қаратиш лозим: “энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши

тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!” Шу сабабли, ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак.

Иқтибослар / Сноски / References:

1. Дискуссия о проблемах деятельности // Деятельностный подход в психологии: проблемы и перспективы. – М., 1990 (соавт.).
2. Чупров В.И., Зубок Ю.А., Певцова Е.А. Молодежь и кризис: Диалектика неопределенности и определенности в социальном развитии. – М.: Русское слово, 2009. – 174 стр.
3. Bauman Z. Intimations of Postmodernity. –L.: Routledge, 1992. – P.23
4. Чупров В.И., Зубок Ю.А., Певцова Е.А. Молодежь и кризис: Диалектика неопределенности и определенности в социальном развитии. –М.: Русское слово, 2009. – 26-27 стр.
5. Готт В., Урсул А. Определенность и неопределенность как категории научного познания. –Кишинев, 1971. – С. 56.
6. Жамсуева Н.К. Социализация молодежи в обществе переходного периода (общетеоретический подход). –Улан-Уде, 1999. – С.23-24.
7. Осипов А.М. Социология образования : учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры / под ред. А. М. Осипова. – М. : Издательство Юрайт, 2019 – 367 с. – (Серия : Бакалавр и магистр. Академический курс).
8. Баранов Е.Г. Нациология – источник конфликтов // Общественные науки и современность. 1994, №5. – С. 143.
9. Иванов Н. Глобализация и проблемы оптимальной стратегии развития //Философские науки. 2012. – С.96-125.
10. Покровский Н.Е. Глобализация и конфликт //Вестник Моск. Ун-та. Сер.18. Социология и политология. 1999. №2. –С.33.
11. Давыдов Ю.Н. «Картина мира» и типы рациональности //Вебер М. Избранные произведения. – М., 1990. – С. 408.

**ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ**
4 ЖИЛД, 1 СОН,

**ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ**
ТОМ 4, НОМЕР 1

**JOURNAL OF
SOCIAL STUDIES**
VOLUME 4, ISSUE 1

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000